АВТОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ИЧКИ АУДИТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ОБЪЕКТЛАРИ

Акрамжон Тургунович МАМАЖОНОВ
доцент
Иқтисод фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти
Андижон, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада автосервис хизматларини кўрсатувчи субъектларда ички аудитнинг вазифалари ва объектлари назарий жиҳатдан меъёрий-ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда ёритиб берилган. Уни такомиллаштириш бўйича фикр ва таклифлар илгари сурилган.

Таянч сўзлар: автосервис субъектлари, аудит, ички аудит, вазифа, текширув, ахборот, ҳисобот.

ЗАДАЧИ И ОБЪЕКТЫ ВНУТРЕННЕГО АУДИТА В СУБЪЕКТАХ, ОКАЗЫВАЮЩИХ УСЛУГИ АВТОСЕРВИСА

Акрамжон Тургунович МАМАЖОНОВ
доцент
доктор философии (PhD) по экономическим наукам
Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий
Андижан, Узбекистан

Аннотация

В данной статье описаны задачи и объекты внутреннего аудита в организациях, оказывающих услуги автосервиса. В статье теоретически обоснованы задачи и объекты внутреннего аудита на основе нормативно-правовой базы. Даны замечания и предложения по его улучшению.

Ключевые слова: субъекты автосервиса, аудит, внутренний аудит, задание, проверка, информация, отчет.

Республикамиз бошқарув ва назорат тизими такомиллашиб бормоқда. Корпоратив бошқарувни жорий қилиш, корхоналар фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни ва аудиторлик фаолияти миллий стандартларида келтирилганидек, аудит муайян ваколатлар берилган шахслар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг тўғрилигини, улар амалга оширган молиявий-хўжалик жараёнларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга қай даражада мувофиқлигини,

мукаммаллигини ва асосланганлигини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар юритишга қўйиладиган талабларга ҳамда ўзга ҳужжатлар талабларига тўғри келишини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган текшириш деб эътироф этилган [1].

Аудиторлик ташкилотлари, шунингдек, мижоз билан тузилган шартномалар асосида уларга маълум хизматларни ҳам кўрсатади. Аудитни аудиторлик фаолияти билан шуғулланишга ҳуқуқи бўлган мутахассис ўтказади.

Аудиторлик фаолияти тадбиркорлик фаолияти бўлиб, у хўжалик субъектларининг молиявий ҳисоботларини, тўлов ҳисоб-китоб ҳужжатларини, солиқ декларацияларини ва бошқа молиявий мажбуриятларни мустақил равишда текширишга қаратилган фаолият ҳисобланади. Шу билан бирга аудиторлик ташкилотлари томонидан мижозларга аудиторлик хизматлари ҳам кўрсатилади. Аудиторлик хизматлари қуйидагилардан иборат [1]:

– корхоналарга бухгалтерия ҳисобини юритишда маслаҳатлар бериш;

– корхона даромадлари тўғрисидаги декларацияларни тузиш;

– иқтисодий субъектнинг активлари ва пассивларини тўғри баҳолашда ёрдам бериш;

– молия, солиқ, банк ва бошқа хўжалик қонунчилиги бўйича маслаҳатлар бериш;

– кадрларни қайта ўқитиш;

– корхона фаолиятини аудиторлик таҳлил қилиш.

Аудиторлик фаолиятига қуйидаги хусусиятлар хосдир:

– аудиторлик ташкилоти текшираётган хўжалик субъектини мустақил танлайди;

– аудитор ва мижоз ўртасидаги муносабатлар аудиторлик шартномаси орқали мувофиқлаштирилади;

– аниқланган камчиликлар аниқ асосга эга бўлиши керак;

– аудиторлар корхона ходимлари билан қариндошлик ва бошқа муносабатларда бўлмасликлари керак;

– аудиторлар ва уларнинг ёрдамчилари фақат қонун талаблари асосида фаолият олиб борадилар.

Ички ва ташқи аудит амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига асосан ўтказилади. Ички аудит, унинг мақсади ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом”да келтирилган. Ички аудиторлик хизматининг асосий вазифалари қуйидагиларга қаратилган:

– корхона кузатув кенгашини ишончли ахборотлар билан таъминлаш;

– корхона фаолиятини жорий текширувлардан ўтказиш;

– текшириш натижаларида аниқланган хато-камчиликларни бартараф қилиш бўйича таклифлар бериш;

– аниқланган камчиликларнинг тезкорлик билан бартараф этилишини назорат қилиш;

– бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисоботларни тузиш бўйича корхонага услубий ёрдам кўрсатиш;

– ташқи аудит натижаларида аниқланган камчиликларни корхона ходимлари билан биргаликда тугатиш;

– текширув натижалари бўйича корхона кузатув кенгашига ҳисобот бериш ва бошқалар.

Корхонада ташқи аудиторлик текширувларини ўтказиш тартиби амалдаги меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган [2]. Ташқи аудит мижозларнинг буюртмаларига асосан томонлар ўртасида тузилган шартномалар бўйича амалга оширилади. Ташқи аудитнинг асосий мақсади текширилаётган корхонада бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилиши, молиявий ҳисоботнинг асослилиги ва ҳаққонийлигига баҳо беришдан иборат. Ташқи аудитнинг объекти тузилган шартномада ўз аксини топган бўлади. Ташқи аудиторлик текшируви маълум тартибда амалга оширилади.

Аудит жараёнида корхонада юритилаётган бухгалтерия ҳисоби тизими, ҳисоб сиёсати, молиявий ҳисоботнинг асослилиги ва ҳаққонийлиги аниқланиб, ижобий аудиторлик хулосалари берилали. Ташқи аудит жараёнида акциядорлик жамиятида ташкил қилинган ички аудиторлик хизмати ҳам текширилади. Аудиторлик текширувларининг самарадорлиги унда қўлланиладиган усуллар (методлар)га бевосита боғлиқдир.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ички ва ташқи аудитнинг методологик асослари илмий жиҳатдан тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Ички ва ташқи аудит жараёнларида аудиторлик текширувларининг қуйидаги усулларидан кенг фойдаланилмоқда:

– ҳужжатлаштириш;
– баҳолаш;
– гуруҳлаш;
– инвентаризация;
– калькуляция;
– бухгалтерия баланси;
– солиштириш (таққослаш);
– счётлар(ҳисобварақлар) ва икки ёқлама ёзув;
– экспертиза;
– аудиторлик таҳлили;
– ҳисобот маълумотларидан фойдаланиш;
– бошқа усуллар.

Фикримизча, аудиторлик текширувида қўлланиладиган усуллар аудиторлик текширувиннг тури, объектлари, олдида турган вазифаларига қараб белгиланиши керак. Иқтисодий жараёнларда компьютер технологияларининг кенг қўлланилиши туфайли ички аудитнинг компьютерлаштирилган усулларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Турли фаолиятлар билан шуғулланувчи корхоналар ички аудиторлик текширувлари қуйидагиларга қаратилган:

корхонада бошқарув тизими ва ички назоратининг ҳолатини текшириш;

корхона ҳисоб сиёсатининг тўғри тузилишини, унга амал қилинишини текшириш;

мол-мулкнинг қонунийлигини текшириш;

бошқарув тизимининг самарадорлигини таъминлаш;

бухгалтерия ҳисоби хизматининг тўғри ташкил қилинишини текшириш.

Корхоналардаги ички аудит ички назоратнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунда ички назоратга қуйидагича таъриф берилган: "Ички назорат бухгалтерия ҳисоби штатида, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тузишда хўжалик операцияларини амалга оширишнинг қонунийлигини, активларнинг бут сақланишини таъминлаш, талон-торож қилиш йўллари ва хатоликларнинг олдини олиш мақсадида бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари томонидан қабул қилинган ҳисоб сиёсати асосида ташкил этилган чора-тадбирлар тизимидир" [3]. Ички аудит, корхона ички назорати шаклида ташкил этилади ва ўзига хос бўлган объектларга эга.

Ички аудитнинг вазифаларига яна қуйидагилар киради:

– ички аудит натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган корхона бошқарув органига таклифлар киритиш;

– корхонадаги ҳисоб сиёсатига амал қилинишини назорат қилиш;

– бухгалтерия ҳисоби объектларини тўғри расмийлаштириш ва ҳисобга олинишини таъминлаш;

– корхона бизнес режасининг бажалишини назорат қилиш;

– бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлар талаблари бўйича олиб борилишини таъминлаш;

– молиявий ҳисоботнинг жорий ҳисоб маълумотларига мослигини текшириш;

– ташқи аудиторлик текширувида аниқланган камчиликларни бартараф қилишдан иборат.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, ташқи аудитнинг объекти маълум жараён ёки кўрсаткичга қаратилса (мисол учун, ҳисоб-китоб операциялари, молиявий натижалар, товар операциялари, солиқлар ва ҳоказолар), ички аудиторнинг объектлари эса хўжалик юритувчи субъектнинг бутун фаолиятини ўз ичига олади.

Автосервис хизматлари кўрсатувчи корхоналарда ички аудитнинг асосий объектларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– корхонада бошқарув жараёнлари ва корпоратив бошқарув тамойилларига амал қилиниши;

– корхонанинг “бизнес-режа”си ва унинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган жараёнлар;

– бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг юритиш ҳолати;

– корхона молиявий хўжалик фаолиятининг қонун ҳужжатларига мос келиши;

– ички назоратнинг юритилиши;

– солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

– корхонадаги ҳисоб-китоб жараёнлари, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳолати;

– даромадлар, харажатлар ва якуний молиявий натижалар;

– корхона фаолиятидаги бошқа жараёнлар.

Юқорида келтирилган жараёнлар тузилган “Ички аудит режаси”га асосан ички аудит қилиб борилади. Ички аудиторлик текширувларини ўтказиш учун даставвал корхонада бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ички назоратнинг ҳолати ўрганилади. Хўжалик юритувчи объектда бухгалтерия ҳисобининг ва ички назоратнинг тўғри ташкил этилиши ички аудит усулларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Аудитор корхонада бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратнинг тўғри ташкил этилганлигини 31-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларнинг

фаолияти билан танишув» номли аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти талаблари асосида амалга оширилади. Ички аудит жараёнида қуйидагилар аниқланади:

– корхонада бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилиниши шакли;

– хўжалик юритувчи субъектда “Ҳисоб сиёсати”нинг мавжудлиги;

– бухгалтерия ходимларига вазифаларнинг тақсимланганлиги;

– ички ҳужжатларнинг алоҳида китобда қайд қилинганлиги;

– қўйилган топшириқларнинг бажарилиш даражаси;

– аниқланган камчиликларни бартараф қилишга қаратилган тадбирларнинг мавжудлиги (қарорлар, фармойишларнинг қабул қилинганлиги);

– молиявий ҳисобот маълумотларининг жорий ҳисоб маълумотларига мувофиқ келиши;

– бухгалтерия ҳисобининг илғор шакллари ва усулларининг кенг жорий этилиши;

– бухгатерия ҳисоби хизмати ходимнинг қўнимсизлик даражаси.

Шундай қилиб, ички аудит орқали корхонада амалга оширилаётган барча муомалалар назорат килиб борилиши керак. Аудитор корхонадаги ички назорат билан танишиш ва унга баҳо беришда куйидагиларга эътибор беради:

– корхонада меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига амал қилиш даражаси;

– моддий жавобгар шахслар фаолиятининг ички назорати ҳолати;

– қабул қилинган ҳукумат қарорларининг бажарилиши.

Корхона ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқни таҳлил килишда аудитор куйидагиларни аниқлайди:

– ҳақиқатан ҳам буйруқнинг барча бандлари ҳисоб сиёсатига тааллуқли эканлиги;

– ҳисоб сиёсатининг барча жиҳатлари (ташкилий-техник, услубий, солиқчиликка доир) буйруқда акс эттирилганлиги.

Ушбу масалаларда ички аудит ходимлари хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларига тегишли маслаҳатлар ва тавсиялар беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни, 2000 йил 26 май (кейинги ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан). Lex.uz
2. “Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги Низом”, 2007 йил 4 апрель. Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари. Lex.uz
3. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 3 мартда қабул қилинган, Сенат томонидан 2016 йил 31 мартда маъқулланган //Халқ сўзи, 2016 йил 14 апрель.
4. Абдуллаев Р. Бухгалтерский учёт и аудит. Учебное пособие. – Тошкент: Iqtisod-Moliya, 2010.
5. Арзиқулов Б.Э., Ахмаджанов К.Б., Мусаев Х.Н. и др. Аудит. Учебное пособие. Том I-II. /Под ред. профессора М.М.Тулаходжаевой. – Ташкент: ТГЭУ, НАБА Узбекистана, 2003.
6. Аудит.Учебник для вузов. /Под ред. проф. В.И.Подольского. – Москва: ЮНИТИ - ДАНА, 2000.
7. Дўстмуродов Р.Д. Аудит асослари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003.
8. Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик. – Тошкент: Молия, 2003.
9. Тўлахўжаева М.М. Молиявий аҳволнинг аудити. – Тошкент: Иқтисодёт ва ҳуқуқ дунёси, 1996.